

ҚОРАҚАЛПОҚ ФОЛЬКЛОРИСТИКАСИ ВА АДАБИЁТШУНОСЛИГИ ИЛМИНИНГ «ТУМАРИСИ»

Пердебаева Дурдана

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент

Саккиз йил аввал бўлган воқеа эсимга тушди.

– Эшитдингизларми, эртага ёзувчи ва олима Саригул Баҳодирова лицейимизга меҳмонга келар экан!

Бу хабар ўқувчилар орасида шамолдек тез тарқаб кетди.

Ёзувчинининг ижодий фаолияти, айниқса «Тақдир» трилогияси, «Урушдан сўнг» (аввалги номи «Кешиккен солдат»), «Аёллар», «Тумарис ва Кир» қиссалари, «Онамга хат» ҳикояси ва бошқа да қорақалпоқ характери, урф-одатлари, оғзаки ижодкорлар, тарихдаги машҳур аёллар – Тумарис, Зарина, Одатида, Арухон, Ақшолпан, Жупар ва Қумар она ва ҳакоза ҳақида бадиий, илмий-публицистик мақолаларини яхши билганим учун мен ҳам хурсанд бўлдим.

Онам Саригул опани Нукусга келган пайти меҳмонга чақириб турарди (у ўғиллари билан Тошкент шаҳрида яшайди).

Ўшанда опа шогирдлари Зиёда Бекбергенова (у ҳозир филология фанлари доктори, профессор), Ақсунгил Қалендерова бор эди. Уларга сал кейинроқ тўқсон ёшини қаршилаётган яна битта аёл келиб қўшилди. У катта олима, Қорақалпоғистонда аёллардан энг биринчи бўлиб Москвада филология фанлари номзодлигини ҳимоя қилган, тилшунос Раўфия ая Есемуратова экан!

«Санъат, маданият ҳақида гапларини эшитинг, сабоқ бўлади» деб онам биз опа-сингилларни уни-буни баҳона қилиб ёнларга ўтирғизиш қўйган. Шунда биз ўспирин қизлар уларнинг ширин суҳбатларини эшитиб, ижодга мафтун бўлган эдик.

Туни билан ўзим ёқтирган Тумарис монологини қайта-қайта машқ қилдим. «Тириклигингда кўзинг қонга тўйган йўқ эди. Ўзим сени одам қонига тўйдирайин!»

Лицейдаги бадиий кечада ушбу монологни ёдга айтиб тугатганимда залда ўқувчиларга қўшилиб, ўқитувчиларимиз ҳам йиғлаб ўтирганини кўрдим.

Массагетлар маликаси Тўмариснинг ёвуз подишоҳ Кирнинг бошини қонли месга тикган жойини бутун дунё асрлар давомида ёдида сақлаб келяпти. У она бўлгани учун, яккаю-ягона ўғли Спаргапис Кир қўлида жон бергани учун урушга лаънат айтиб шу ишни қилган. Оналар урушни ёмон куради, улар дунёга тирикчилик ҳадя қилади, улар Ерда ҳаётни давом эттирувчилардир.

Саригул Баҳодировани олима ва ёзувчи сифатида Қорақалпоғистонда танимайдиган битта ҳам овул, қишлоқ ёки кўча бўлмаса керак. Унинг ажойиб асарларини такрор-такрор ўқиб зерикмайсан ҳеч. У Қораўзьяк туманида тўғилиб вояга етган экан. Ёшлигидан китоб ўқишга жуда меҳр қўйибди. Мактабни тугатиб, Нукус давлат педагогик институтида қорақалпоқ тили ва тарих факультетида таълим олибди. Беш йил давомида фақат аъло баҳога ўқиган ва иккинчи курсдан бошлаб эса ўша даврдаги Ленинлик давлат стипендиясини олган. «Аъло ўқимасам бўлмасди, уйдагилардан менга ёрдам деярли келмасди» деб эслади у.

Кейин аспирантурада ўқиган ва академик Марат Нурмухамедовнинг илмий раҳбарлигида «Современные каракалпакские рассказы» мавзусида диссертация ёзган. 1970 йилда ЎзР ФА қошидаги Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида қорақалпоқ гурунглари (ҳикоялари) бўйича номзодликни химоя қилибди.

Мактабдаги ўқувчилик ва талабалик даврида-ёқ газетага мақолалар ёза бошлаган у машҳур асарларини 30 ёшигача чоп этиб улгурган ва ёшлар мукофотига лойиқ деб топилган экан.

Н.Давқораев номидаги Тил ва адабиёт институтида оддий ходимадан директорликгача йўлни босиб ўтган, институт директори сифатида қорақалпоқ фольклорининг 100 тўмлигини чоп этиш учун ташаббус кўтарган ва қорақалпоқ оғзаки адабиёти, айниқса эпосларини чоп этишга тайёрлаган, «Қирққиз», «Едиге» ва бошқа да эпосларни дунёга танитиш мақсадида халқаро симпозиумлар, конференциялар ташкил қилган, тинмасдан самарали меҳнат қилган.

Профессор С.Баҳодированинг эл-юрт учун, фан учун қилган хизматлари муносиб баҳоланган, у 1984-йилда фан ва техника соҳасида Абу Райхан Беруний номидаги давлат мукофотини, 1993-йилда «Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби», 2004-йилда «Дунё тюркологлари ассоциацияси» аъзоси, 2006-йилда «Халқ меъросларини сақлаш» бўйича Н.Рерих номидаги халқаро мукофотини қўлга киритган.

У 400 дан ортиқ илмий асарлар, 20 дан ортиқ роман, қисса, ҳикояларнинг муаллифидир. Бир нечта халқаро нашрларнинг таҳририят аъзоси. Дунёнинг 40 дан ортиқ жойларида, жумладан, Анкара, Измир, Куния, Кипр, Вена, Дели, Уфа, Казань, Астана, Түркистан, Алматы, Бишкек ва бошқа шаҳарларда ташкиллаштирилган халқаро илмий конференцияларда, симпозиумларда, конгрессларда қорақалпоқ фольклори бўйича маърузалар қилган, Бонн университетининг, Москвадаги М.Горький номидаги Адабиёт институтининг,

Хўжа Ахмад Яссави номидаги Қозоҳ-турк университетларининг чақирувига биноан турки халқлар адабиёти ва фольклоридан лекциялар ўқиган.

Бу маълумотларни унинг ўз оғзидан эшитдик, опа бизга қандай қилиб олима ва ёзувчи бўлганлиги тўғрисида самимий гапириб берди ва жуда кўп фойдали насиҳатлар қилди. Ҳозир унинг ўғли сиёсатшунослик фани билан шуғулланса, қизи шифокор, келини ўқитувчи, 3 та невараси Тошкент ва Москва шаҳарларидаги нуфузли халқаро университетларда таълим олаётганини айтди. У айниқса кўп китоб ўқиш, тилларни ўрганишни, бир дақиқа ҳам вақтни бўш юбормаслик, ёқтирган ишимиз билан доим шуғулланиб юриш инсонга бахт келтиришини ўз ўмр тажрибасида кўрганини айтдилар.

2016 йилда унинг «Амударё» журналида 1999 йилда чоп этилган «Тумарис ва Кир» қиссасини Музаффар Ахмад ўзбек тилига таржималаб, «Ўзбекистон» нашриётидан чоп эттирган. Шундан кейин ёзувчи мазкур асар устида қайта ўтириб ишлаб, 2018-йилда, «Наврўз» нашриётидан қорақалпоқ тилида минг нусхада «Тўмарис» деган ном билан эълон қилибди. «Мен бу асарни ёзишни Москвада, докторлик диссертация устида ишлаб юрганымда ўйлаб қўйган эдим, кейин ўтрииб бир ҳафтада ёзиб тугатгандим. Китоб сифатида нашр қилиш яна ҳам масъулиятлидир. Шунинг учун қўлингиздаги китобни тугалланган асар деб қабул қилишингиз мумкин» деди Саригул опа ёшлар билан суҳбат чоғида.

Ахборотлашув даврида замона билан, ёшлар билан тенг қадам босиб, янги технологияларни беш қўлдек билиб, бу йил 80-баҳорини қаршилаётган, унинг аёл боши билан эркаклар қаторида шундай катта ишларни амалга ошириб юрганига қойил қолдим. Унинг ўзи ҳақида эса «ҳозирги Тумарислар Саригул опанинг ўзи бўлса керагов» дея уйладим.